Шу азиз Ватан барчамизники!
Ўзбекистон

# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

10 СЕНТЯБРЬ 1996 йил, СЕШАНБА

№ 72 (319)

БУ СОНДА:
2 Устивор йўналиш
3 Ошинг ҳалол бўлса
4 Мен паноҳ тилайман



***Пахта далаларидан дараклар***

*Қизларнинг дилтортар кулгулари, сирли суҳбатлари пахтазорга ўзгача шукуҳ ва чирой бағишлайди. Уларнинг гурунги пахта далаларида янада қизийди. Сирдарё вилояти Сайҳунобод туманидаги «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси 3-бригада аъзолари Гулноза Шукуржонова ва Сожидахон пахта теримида дугоналарига ибрат бўлиб келмоқдалар.*

**Н. Муҳаммаджонов олган суратлар.**



***Ишнинг кўзини билган оқсоқоллар бош-қош бўлган жойда меҳнат баракали бўлади дейди доно халқимиз. Бухоро вилояти Бухоро туманидаги Асат Шокиров номли жамоа хўжалигининг 2-бригадаси аъзолари оқ олтин хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб меҳнат қилмоқдалар.***

***Улар бу йил 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб жами 200 тонна момиқ тола олишни ният қилганлар.***

**Ўнгдаги суратда: (чапдан) Бошқарув раиси Б.Ғайбуллаев бригадир Ш.Ражабовлар Илхом Файзуллаев даласида.**

## ЧУҚУР ТААССУРОТ

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг УI сессияси ҳужжатларини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни институт ректори Акром Акмалов очди. Институт проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошлонов маъруза қилди. Йиғилганларни сессия иши билан таништирди. Президент Ислом Каримов нутқига алоҳида тўхталди.

- «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» ҳақида Президент Ислом Каримов сўзлаган нутқнинг,- деди маърузачи,- тарихий аҳамияти шундаки, унда 5 йил ичида мамлакатимиз босиб ўтган йўл чуқур таҳлил этиб берилган.

- Институтимиз жамоасининг шу маърузадан келиб чиқадиган асосий вазифалари Амир Темурнинг 660 йиллигини, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини муносиб нишонлаш тадбирларини кўришдан иборат. Шу билан бирга жисмонан соғлом, маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялашда илғор усуллардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Йиғилишда кафедра мудирлари Н.Ремеев, Т.Усмонхўжаев, М.Ғуломов, М.Мирқосимов, Т.Ниёзматова ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Садоқат ФАЙЗИЕВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Иқтисодиёт хабарлари***

### КОСОНСОЙНИНГ ЧАРМ КУРТКАСИ

Наманган вилоятининг барча шаҳарларида кетма-кет қўшма корхоналар ишга тушмоқда. Яқинда ана шундай ҳамкорликдаги саноат шахобчаларидан бири Косонсойда иш бошлади. Туркиянинг Измир шаҳридаги тадбиркорлар билан ҳамкорликда қурилган бўлиб, қўшма корхона дастлабки маҳсулотни берди.

Хорижда тайёрланадиган ихчам, ярашиқли курткалар шу тариқа ўзимизда чиқадиган бўлди. «Агрокоммунтаъмир» қурилиш трестининг тумандаги корхонасининг илк маҳсулоти биринчи кунданоқ кўплаб харидорларини топди.

### ХОНАДОНЛАР ГАЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Бухоро вилоятининг Пешку туманида хонадонларни газлаштириш қизғин давом этмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида хўжаликларга 9 километр масофада газ қувурлари тортилди. 293 хонадонда табиий газ ёнди.

Тумандаги Йўлдош Эргашев номли, Навоий номли, Шариф Эргашев номли, «Бухоро» жамоа хўжаликларида барча хонадонлар тўла газлаштирилди. Айни кунларда газлаштириш ишлари «Маданият», «Туркистон», «Янгиобод» ва «Дўстлик» жамоа хўжаликларида қизғин давом эттирилмоқда.

**С.ҚОДИРОВ.**

***Пахта-96***

## МЕЗОН УЧГАН МАВСУМ

Мингбулоқ туманига борганимизда пахта теримини биринчилар қаторида бошлаб юборган ва бу соҳада яхши натижаларга эришаётганлар қаторида «Ўзгариш» жамоа хўжалиги номини тилга олишди. Марказий Фарғонанинг қоқ биқинида жойлашган, бир чети Дамкўл ва Оққум массивларига туташиб кетган хўжалик 7-8 та майда қишлоқлардан ташкил топган бўлиб, аъзолари чўлни дастлабки ўзлаштирувчиларнинг авлодлари ҳисобланишади. Айтишларича, туманга аслида шу ердан асос солинган, кейинчалик марказ Сирдарё сувига яқинлиги инобатта олиниб, ҳозирги Жомашуй шаҳарчаси ўрнига кўчирилган. Шунинг учун чўл шароитларида деҳқончилик қилиш ҳадигини олишган. Туман учун пахтачилик анча мураккаб келган, очиғи, бу соҳадаги йиллик режа ҳашарлашиб учма-уч бажарилган, қатор хўжаликлар давлатдан қарздор бўлиб қолган 1995 йилда ҳам ўзгаришликлар ўз сўзларининг уддасидан чиқдилар ва режага қўшимча равишда бир неча ўн тонна ҳосил тайёрлашга эришдилар.

- Бу йил мавжуд 2126 гектар экин майдонидан 1298 гектарида пахтадан деҳқончилик қилганмиз,- дейди суҳбатда хўжалик бош ҳосилоти Носиржон Қовлонов.- Илк бор республикамизда кенг тарқалган «Фарғона-3» навини танлаганмиз. Бу нав ғўзаси бўйича ортиқча зўр бермас экан. Сершох, сермева бўлишлиги, эрта етилиши жиҳатидан бизга ёқди. Об-ҳаво салқин келганидан хавотирлангандик. Яхшики, ташвишимиз ўринсиз чиқди. Нав шарофати билан ҳосил вақтида пишди.

- Кеча вилоятимиз ҳокими, Олий Мажлис депутати Бургутали Рапиғалиев ташриф буюргандилар,- деди гапга қўшилиб хўжалик бошқарувининг раиси Қосимжон Нишонов.- Биргаликда далаларни айландик. Теримга тушганлигимиздан хурсанд бўлдилар.

Дарҳақиқат, хўжаликнинг қаерига йўлингиз тушмасин, қайси бригадасида тўхтаманг, экин ҳолатидан кўнглингиз тўлади.

Мана, Алишер Иззатуллаев раҳбарлигидаги 1-бригада даласидамиз. Вақт эндигина нонуштага етаётганлигига қарамасдан теримчиларнинг кўплари пахталарини ўлчатиш учун хирмон сари келишарди. Истараси иссиқ, чаққонгина ҳисобчи йигит Ҳошимжон Неъматов ҳар бирини очиқ юз билан кутиб оларди.

- Норпошша Маматқулова 25 кило.

- Муборак Йигиталиева 23 кило.

- Санобархон Нозимова 21 ...

- Иккинчи Нозимова Марғуба ҳам 21...

- Ҳали мавсумнинг бошланиши, пахта тўла очилган эмас, 100-110 килоданга боради. Ўтган йил энг қизғин кунларда 250-300 килограммданга етказишган. Суръат ҳам шунга яраша кўтарилиб боради. Бултургидек ойнинг иккинчи ўн кунлиги охирларига бориб кунига 4-5 фоизданга етказамиз - изоҳ беради бригадир Иззатуллаев.

Ишбошининг айтганларида жон бор эди. Совутгичда зарур миқдорда гўшт ва бошқа маҳсулотлар сақланаётган экан. Қовун-тарвуздан тортиб узум ва сара меваларгача келтириб қўйилганлиги бизни хурсанд этди. Шунингдек, Садриддин Норқўзиев, Аҳмаджон Исоқов бошлиқ бригадаларнинг далаларида бўлганимизда ҳам далада ишлаётганлар учун лозим даражада шарт-шароит яратиб берилганлигининг, бу эса теримга барака киритаётганлигининг гувоҳи бўлдик ва бу борада раиснинг айтганларини эсладик.

- Бу йилги йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик билан келдик,- деди у.- Аввало, ҳар бир бригадага 100 тадан жами 1800 та этак тарқатилди. Одамларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит туғдиришдан ташқари оиладан кўнгиллари тинч бўлишлари чорасини ҳам кўриб қўйдик. Иш ҳақи кечиктирмасдан бериб борилаяпти. Масалан, май ойидан кейин 500 минг сўм нақд пул тарқатилди. Ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар узлуксиз берилаяпти. 700 гектар майдонда дондан деҳқончилик қилиб салкам 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олинганлиги имкониятимизни янада кенгайтирди. Хўжаликнинг ҳар бир аъзосига 400 килограммдан тортиб 600 килограммгача дон берилди. 5-6 сотихдан майдон сомонини ҳам йиғиштириб олишди. Буғдойдан бўшаган 78 гектар ерни шоли экиш учун томорқа сифатида бўлиб бердик. Шу тариқа гуручга нисбатан эҳтиёж ҳам тўла қопланадиган бўлди. Ўтган ойда кўп болали оилаларга 118 минг сўм товон пули тақдим этдик. Мавжуд 7 жойдаги болалар боғча-яслиларининг зарурати миқдоридаги сабзавот, мева ва бошқа озиқ-овқат заҳираси ғамлаб қўйилди. Ўйлаймизки, бу тадбирлар меҳнаткашларимизнинг унумли ишлашларига, борлиқ куч-ғайратларини, диққат-эътиборларини даладаги катта меҳнат билан етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишларига ёрдам беради.

Бош ҳосилот Носиржон Ковлонов билан ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш хусусида фикр алмашамиз.

- Бу йил пахтачиликда анча мураккаб вазиятларни енгишга тўғри келди,- дейди у пахта далаларини айланиб борарканмиз.- Аммо парвариш жараёни оралиғини қисқартириш ҳисобига уни бартараф этдик. Мавсумни тез ва соз ўтказиш мақсадида белига этак боғлашни хоҳлаганлар билан бирма-бир мулоқот қилиниб рўйхати олинди. Улар сони хўжалигимиз миқёсида 700 нафарга етади. Четдан ҳашарчининг бизга кераги йўқ, деган қарорга келдик. Бундан ташқари, 8 та терим машинасини ишга шайлаб қўйганмиз. Пахта тўлиқ очилиши билан уларни ишга солиб мавсумни октябрь ойи ичида узил-кесил якунлаш чорасини белгилаганмиз. Терилган пахта ҳақини ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб борамиз. Вазирлар Маҳкамасининг қўлда терилган ҳар кило пахта учун 2 сўмдан, машинада терилган ҳар тонна ҳосилга икки қаторликда 50 сўмдан, тўрт қаторликда 30 сўмдан пул тўлаш юзасидан қарори мўлжалланаётган режаларимизнинг сўзсиз амалга ошувини таъминлайди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Шарҳловчи минбари***

## КУНЛАРИМИЗНИНГ КЎТАРИНКИ РУҲИ

Мамлакатимиз ҳаётидаги ҳар бир катта сиёсий воқеа — диёримиз тарихида алоҳида муҳим ўрин тутибгина қолмай, айни вақтда эзгу, улуғ мақсадлар йўлида янги марралар сари қўйилган дадил, собит қадам ҳамдир. Куни кеча ўз ишини тамомлаган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ана шундай юксалиш нуқтаси, янги марра сарҳади бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи кўз ўнгимизда кечаётган тарих, XXI аср бўсағасида жамиятимиздаги ўзгаришлар, тараққиёт шиддати тезлашганини яна бир бор ҳис этди. Одамларнинг эртанги кунга ишончи ортди, руҳига рух қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган файзли, хосиятли нутқи мустақилликнинг, ислоҳотларнинг амалий натижаларини яққол кўрсатди. Шу билан бирга ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни, умумбашарий қадриятларга эътиборни тағин ҳам чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларини ўзига хос услубда — лўнда қилиб белгилаб, санаб берди.

Сессия истиқлол айёмининг беш йиллигига бағишланган катта тантаналарга уланиб кетди. Аллоҳнинг марҳамати, халқимизнинг фидокорона меҳнати, мардлиги, сабру қаноати ва меҳру оқибати, оқил имони мустаҳкам юртбошимизнинг элим деб, юртим деб ёниб елиб, қилаётган саъй-ҳаракатлари туфайли бошқа мамлакатлар ўнлаб йиллар мобайнида ўтадиган йўлни беш йилда босиб ўтганмиз, иқтисодиётда, ижтимоий соҳаларда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ютуқларга эришганимиз, давлатимизни халқ иродаси билан муштарак ҳолда янгиланиш, тозариш, ҳидоят роҳи-покига дадил бурганимиз Худога ҳам хуш келгани рост бўлсин. Табиат яшнаб, қуёш чарақлаб, осмонимиз мусаффо нурга тўлиб турибди.

Фараҳбахш Озодлик насимлари эсмоқда. Миллат, Ватан, Озодлик ҳақида яйраб гапириши, ёниб таъкидлаш, руҳан эркин, кўтаринки мартабада баралла, ғурур билан истиқлолни куйлаш вақтидир бу кун. Зеро Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган, бу порлоқ дамларга осонликча эришганимиз йўқ. Юртбошимиз, таъкидлаганидек: «Улкан синовлар, қийинчиликларни бошдан кечирдик. Ҳаётимизнинг энг машаққатли йиллари ортда қолди. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг миқёсли ислоҳотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгиланиш йўлига кирди».

Ривожланишнинг Президентимиз томонидан асослаб берилган ўтиш давридаги беш тамойили танлаган йўлимиздан адашмай бориш имконини бермоқда. Ўзбек халқи мустақиллик даврининг олтинчи йилига янги бир сифат; янгича дунё қараш, тўла қувват, ишонч, ғайрат-шижоат билан кириб келди. Халқимизда ўзлигини англаш, ўзини ҳур ва соҳиб, деб ҳис этиш фазилатлари камоли жадалалашаётган бир шароитда яшаяпмиз. Ҳар бир фуқаро Ватан озодлигининг олтинчи йилини юрагида миллий ғурур туйғуси илдиз отган инсон сифатида кутиб олди. Буни ҳалоллик билан мардларча тан олиш, ҳис қилиш, машаққатлар билан курашларда қўлга киритилган улуғ неъмат эканлигини қадрлаш ҳам қарз, ҳам фарздир, иймонли кишининг виждон амридир. Бинобарин кескин дамларда, танглик, бурилиш онларида ақл-идрок, вазминлик, қатъийлик узоқни кўра билиш, тарих аждодларимиз сабоқлари, мавжуд имкониятлар ва жаҳон илғор тажрибаларидан оқилона фойдаланиб ҳамиша эл-юртимизнинг равнақини кўзда тутиб иш тутиш юртбошимиздан бизга ибрат.

Ютуқларимизнинг асл гарови ҳам шундадир. Бунга мисоллар жуда кўп. Энг сўнггиларидан бири Россия Давлат Думаси қилган анчагина шов-шувга сабаб бўлган, собиқ совет ҳудудлидаги «интеграция» деб номланган жараёнга муносабатдаги ўзбекона мардлик, ватанпарварликдир. Президентимизнинг Тошкентдаги Дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувида сўзлаган нутқидаги очиқ айтилган қуйидаги таъкид фикримизнинг далилидир: «Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди».

Ўзбек халқнинг эртанги ёруғ, фаровон кунларга қараб олға интилаётганлиги шаҳар ва қишлоқлардаги миллион-миллион меҳнаткашларнинг олижаноб ишларида намоён бўлмоқда. Ёнилғи, ғалла мустақиллигига эришишдек буюк режаларни амалга ошириш юзасидан белгиланган марралар муваффақиятли эгалланмоқда. Сафарбарлик, амалий тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги теран таҳлил, бетакрор, янги фикр мулоҳазаларга бой нутқи ўтган беш йилнинг кенг қамровли, долзарб якуни ҳамда истиқболдаги вазифалар дастури амалидир. Унда мустақил Ўзбекистаннинг ижтимоий-иқтисодий, қонуний, маънавий ҳам маърифий ёрқин ва кенг кўламли келажаги, унинг мавжуд катта имкониятлари атрофлича чуқур очиб берилган. Ушбу нутқ Ўзбекистонни илм, ақл ва руҳ муштарак ривожланган маънавий юксак мамлакатга айлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган ҳаракат маёғи ҳамдир.

Жамият моддий ва маънавий кучларининг янада янги довонлардан ошишини таъминлашга қаратилган қатъий, узвий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона яратувчилик меҳнати билан бу борада ривожланишга эришиш муқаррардир. Бугунга келиб, шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, халқимиз, мамлакатимиз шу вақтгача ҳозиргидек ижодий эркинликка, имкониятларга, халқ фаровонлигини ошириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши, демократияни ривожлантириш учун зарур амалий шарт-шароитларга эга бўлган эмас.

«Бир сўз билан айтганда, — деб таъкидлайди Ислом Каримов, — истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умум эътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак».

Бу — ҳамма ҳамманинг муқаддас бурчидир. Мустақилликнинг ноёб афзалликларидан, имкониятларидан кишилар бахт-саодати йўлига моҳирона фойдаланиш учун ҳар биримиз масъулдирмиз. Ишимизда юқори унум, яхши самара ҳам сифат бўлса, табиийки ошиғимиз олчидир, руҳимиз ҳам баландлир.

**Р. РАҲМОНОВ.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия Президенти Б.Ельцин соғлиғи билан боғлиқ турли талқинларга ниҳоят чек қўйилди: Президент телевидение орқали фуқароларга ўз соғлиғи хусусида ўзи гапириб берди. Шифокорлар фикрича, Б.Ельциннинг юрак хасталиги жарроҳлик йўли билан даволанади. Операция шу ойнинг охирларига мўлжалланяпти. Шу муносабат билан эндиликда Президент Б.Ельцин ўз вазифасини бажара олмай қоладиган муддатга ўз ваколатини бошқа бировга бериши керак деган мазмунда мунозаралар қизиб кетди. Шундай номзодлар қаторида Россия Бош вазири В.Черномирдин, Хавфсизлик Кенгаши котиби А.Лебедь, Москва мэри Ю.Лужковлар тилга олинмоқда. Кўпчилик сиёсат ва давлат арбоблари, шу жумладан, генерал А.Лебедь вақтинча Президентлик ваколатлари Бош вазир В.Черномирдинга топширилишини мақсадга мувофиқ деб эълон қилдилар.

****

**Россия қўшинлари эришилган тинчлик битими асосида Чеченистонни тарк этиб кетмоқда. Чеченистондаги Федерал қўшинлар қўмондони В.Тихомиров 133-танкчилар батальони жангчиларига, улар Грозниййдан чиқиб кетишлари олдидан кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун миннатдорчилик билдирди. Қўшинларни олиб чиқиб кетишнинг биринчи босқичида 4500 ҳарбий хизматчи Чеченистонни тарк этади. Бу ердан қўшинларни тўлиқ олиб чиқиб кетишга қанча вақт кетиши ҳозирча аниқ эмас. Айниқса, Президент Б.Ельцин ушбу тадбирни шошилинч бажаришга қарши чиққанидан сўнг бу масала мавҳум бўлиб қолди.**

****

Тбилисида мамлакат Хавфсизлик кенгашининг ёпиқ мажлисида Жанубий Осетия Олий Кенгашининг республика ҳудудида Президентлик бошқарувини жорий қилиш режаси салбий баҳоланди. Амалда бундай қарор, дейди Би-би-си мухбири, мазкур минтақанинг сиёсий статусини белгилашга бориб тақалади. Унинг фикрича, бундай интилиш шу йил 27 августда Владикавказда бўлиб ўтган Грузия Президенти Э.Шеварднадзе билан Жанубий Осетия раҳбари Л.Чегиров ўртасидаги учрашув чоғида эришилган шартлашувларнинг амалга оширилиши жараёнларига ҳалақит бериши мумкин. Л.Чегировнинг ўзи журналистлар билан учрашувда бу масала юзасидан парламентнинг узил-кесил қарори 13 сентябрда қабул қилиниши режалаштирилгани ҳақида маълум қилди. Россия ташқи ишлар вазирлигининг шу муносабат билан берган баёнотида бу соҳада бир ёқлама, етарли ўйламай қўйилган ҳар бир қадам Грузия-Жанубий Осетия можаросини сиёсий йўл билан ҳал қилишда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин дейилади.

****

**Қозоғистоннинг Кўкчатов вилоятида улкан тош кўмир конлари мавжудлиги аниқланган. Қозоғистон телевидениесининг маҳаллий геология бошқармаси маълумотларига таяниб хабар қилишича, бу конлардаги кўмир ғоят юқори сифатга эга бўлиб, унинг заҳиралари камида 140 миллион тоннани ташкил этади. Кўмир конларида ишларни ташкил этиш анча ўнғай кечиши кутилмоқда: чунки темир йўл унинг яқинидан ўтади.**

### ХОРИЖДА

Европа Иттифоқи ташқи ишлар вазирлари Ирландиянинг Трал шаҳрида ўтказилаётган ўз кенгашларида Қўшма Штатларнинг Кубага қарши киритган савдо-сотиққа доир қонунига қўшилмасликларини маълум қилишди. Буюк Британия ташқи ишлар вазирининг баёнотида айтилишича, учрашув иштирокчилари Жаҳон савдо ташкилоти доирасида АҚШ чораларини ҳуқуқий тартибда танқидий кўриб чиқиш эҳтимолини кузда тутмоқдалар. Бироқ, деди британиялик вазир, Куба билан амалий алоқа боғлаган чет эл фирмаларига қарши чоралар кўришни назарда тутувчи Америка қонунчилик актига қарши тадбирий чоралари фақат ноябрь ойидаги Президентлик сайловларидан кейингина кўрилиши мумкин.

****

**Ливаннинг жанубий ҳудудларида мамлакат парламентига сайловларнинг тўртинчи босқичи бўлиб ўтди. Жанубий Ливанда Хавфсизлик кучлари соқчилик қилиб турибди. Кўпчилигини шиъа мазҳабидаги мусулмонлар ташкил этувчи сайловчилар 128 кишилик мамлакат парламентининг 23 депутатини сайлашлари керак. Мазкур нотинч минтақада зўравонлик, куч ишлатиш хавфининг камайишида сўнгги фурсатда икки йирик шиъалар гуруҳлари уюшмасининг ташкил топиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзаро келишув Ливанда қарийб 40 минг ҳарбий хизматчисини сақлаб турган Сурия воситачилигида эришилган.**

****

Хитой Тайванга ўзининг тадбиркорлардан иборат биринчи делегациясини жўнатди. Бундан кузда тутилган мақсад - икки сиёсий рақиблар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Хитойнинг расмий Синхуа ахборот агентлигининг хабарига кўра, делегация таркибида банк ходимлари, тадбиркорлар, экспертлар бўлиб, улар менежмент ва бизнесни ривожлантириш борасида ҳамкорликни таклиф этишади.

****

**Канада саноат ва савдо вазири Жон Менли келгуси асрда кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолади, дея баёнот берди.**

**Квебек вилояти ҳукуматининг ташқи алоқалар вазири Сильвен Силлер Пекинда Хитой ҳукуматига мурожаат қилиб, Монреалда ўз консулхоналарини очишга даъват этди.**

****

Кипрда кипрлик турк армияси аскари отиб ўлдирилган. Бу можаро турк ва грек жамоаларини ажратиб турувчи чизиқда рўй берган. Кипрлик турклар лидери Рауф Денкташ ва Туркия ташқи ишлар вазири Т.Чиллер хоним аскарнинг ўлимида кипрлик грекларни айблашди. Денкташнинг айтишича, бу августда ҳалок бўлган икки кипрлик грек учун интиқомдир. Кипр ҳукумати ушбу можарога бирон бир алоқаси борлигини рад қилиб, бу турк жамоаси ичидаги ўзаро жанжал оқибати деб айтмоқда.

****

**Океания ва Тинч океан ороллари давлатлари Маршалл ороллари пойтахти Мажурода 27 минг минтақавий анжуманларини ўтказишди. Франция ядро синовлари ва иссиқликнинг ошиб бориши натижасида Океанияда экологик ҳолат ёмонлашиб бораётганидан ташвиш билдирилди. Океания ороллари аста-секин ядро чиқиндилари ташланадиган ахлатхонага айланаётганлиги айниқса катта ташвиш туғдирмоқда.**

***Жаҳон матбуот агентликлари материаллари асосида***

